

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ҚЎЗИЕВ КОМИЛЖОН ФАЙЗИЕВИЧ**

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**  
(Сирдарё ҳавзаси мисолида)

**08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт  
08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Қўзиев Комилжон Файзиевич**

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг минтақавий жиҳатлари (Сирдарё ҳавзаси мисолида).....5

**Кузиев Комилжон Файзиевич**

Региональные аспекты эффективного использования водных ресурсов (на примере бассейна Сырдарьи)..... 23

**Kuziev Komiljon Fayzievich**

Regional aspects of the efficient use of water resources (by example Syrdarya basin)...43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works .....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ҚЎЗИЕВ КОМИЛЖОН ФАЙЗИЕВИЧ**

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**  
(Сирдарё ҳавзаси мисолида)

**08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт  
08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сув ресурслари жаҳон иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ривожлантириш бевосита унинг сув билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқдир. Бироқ сув ресурсларининг худуд бўйлаб нотекис тақсимлангани, сув танқислиги натижасида юзага келаётган озик-овқат хавфсизлиги муаммолари бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дунёда сув ресурсларига бўлган глобал эҳтиёж 2030 йилга келиб 6900 млрд. м<sup>3</sup> га етади. Бу кўрсаткич ҳозирги мавжуд захираларнинг 40% дан ортиғини ташкил этади<sup>1</sup>. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, сувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати сақланиб қоладиган бўлса, 2030 йилга бориб глобал сув танқислиги 40% га етиши мумкин. Бу ҳозирги сув танқис бўлган худудлардаги ҳолат янада мураккаблашишига ва трансчегаравий муаммоларнинг жамланишига олиб келиши мумкин.

Жаҳонда минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда сув тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланишда интеграциялашган бошқарувни йўлга қўйиш орқали тармоқ самарадорлигига эришиш, ушбу жараёнларга жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини ошириш, “smart-region”, “smart-water”, “smart-agriculture” каби инновацион концепцияларни жорий қилиш орқали худудни барқарор ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон минтақаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш ички ҳамда ташқи омиллар таъсири доирасида амалга ошмоқда. Минтақаларда сув исрофгарчилигининг юқорилиги, сувдан фойдаланишдаги паст самарадорлик, трансчегаравий дарёлар оқим режимининг ўзгариши оқибатида вегетация мавсумида кузатиладиган сув танқислиги каби муаммолар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда худудларнинг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбарининг “...қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси сувни исроф қилмаслик, ундан тўғри фойдаланишга боғлиқлиги, сувга бўлган муносабат ўзгармасдан ҳосилдорликни ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас”<sup>2</sup> лиги ҳақидаги фикрларидан келиб чиқиб, сувдан тежамкор ва самарали фойдаланишга эришишни стратегик вазифа сифатида эътироф этиш лозим.

Ер юзида глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги муаммолари ортиб бориши натижасида алоҳида худудларда озик-овқат хавфсизлиги масалалари жиддий тус олаётган бир пайтда республикамиз қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологияларни кенг қўллаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида минтақаларни иқтисодий ривожлантириш, ишлаб

<sup>1</sup> Mathew Burrows .The Future, Declassified: Megatrends That Will Undo the World Unless We Take Action. - New York.: «St. Martin's Press», 2014. - 288 p.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.// “Халқ сўзи”. 2018 йил 31 март.

чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш билан сувдан самарали фойдаланишни ташкил этишни узвий боғлаш каби вазифаларни амалга ошириш янада долзарблик касб этмоқда. Шу жиҳатдан, Сирдарё хавзасида жойлашган минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни оқилона ташкил этиш орқали барқарор ривожланишга эришиш масалаларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича жаҳонда Америка ва Буюк Британия мактаблари, Германия ва Россия олимларининг мактаблари шаклланган бўлиб, бу ҳақда маълумотлар илмий адабиётларда батафсил баён этилган. Мамлакатимизда эса бу масалалар бўйича М.Абдусалямов, Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, А.С.Солиев, А.Т.Юсупов, А.М.Қодиров, Б.Рўзметов, А.А.Қаюмов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ш.Х.Назаров, Х.П.Абулқосимов, С.С.Зокиров, Х.М.Сайдахмедов ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали минтақа ва тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш масалалари бўйича В.А.Духовний, Н.А.Агальцева, Н.Р.Хамраев, Ф.Хикматов, Ў.П.Умурзоқов, Э.Ф.Трушин, С.Ч.Джалалов, Ш.Т.Ҳасанов, С.Р.Умаров, З.С.Шохўжаева, Д.Ш.Явмутов, Л.Ф.Амиров ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб борганлар<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. // Сборник статей “Современные проблемы региональной экономики”. – Т.: ТГЭУ. 2015. – С. 6-11; Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. – Москва: Изд. РЭА им. Г.В.Плеханова, 2006. – 231 с.; Солиев А.С. Минтақавий иқтисодиёт ва унинг аҳамияти. // “Минтақавий иқтисодиётнинг замонавий муаммолари” илмий мақолалар тўплами. –Т.: ТДИУ. 2015. – Б. 159-166; Садыков А.М. Концептуальные подходы к формированию стратегии долгосрочного развития. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития: Материалы V форума экономистов. – Т.ИПМИ: 2013. – С. 3-13.; Кадыров А. М. и др. Региональная экономика. – Т.: LESSON PRESS, 2018. – 239 с.; Рузметов Б. и др. Устойчивое и интенсивное развитие сельского хозяйства региона на основе инновационных разработок. – Т. “Iqtisodiyot”, 2015. – 156 с.; Қаюмов А.А., Назаров Х.М., Эгамбердиев Ф.Т. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: “Университет”, 2004. –122 б.; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2016. – 93 б.; S. Zokirov, Kh.Umarov. Economic Development in the Fergana Valley since 1991.// Fergana Valley the Heart of Central Asia (edited by S. Frederick Starr). M.E.Sharpe Armonk, New York: London. – 2011. – P. 232-252.

<sup>4</sup> Духовный В.А. МКВК — достижения и вызовы будущего: водное сотрудничество на пути к устойчивому развитию. –Т.: 2007 <http://sic.icwc-aral.uz/books2.htm>; Экономика водосберегающих технологий орошения в Узбекистане:

Марказий Осиёнинг сув муаммолари мавзусида изланишлар олиб борган чет эллик тадқиқотчилар орасида Эрнест Гизе, Али Умрон Кумушчи, Муҳаммад Мизанурни, МДХ мамлакатларидан В.И.Данилов-Данильян, М.Фалкенмарк, А.Шикломанов ва бошқа олимларни келтириш мумкин<sup>5</sup>.

Шунга қарамадан, юқорида қайд этилган тадқиқотларда Сирдарё ҳавзасидаги минтақаларнинг барқарор ривожланишига сув ресурсларидан фойдаланишдаги иктисодий, минтақавий, трансчегаравий муаммоларнинг таъсири алоҳида таҳлил этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ А-2-143 “Ўзбекистон минтақаларининг иктисодий ривожланиши ва рақобатдошлигини оширишнинг сценарий вариантларини прогнозлаштириш” (2015-2017 йиллар) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида минтақаларни барқарор ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланишдаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ҳамда уларнинг барқарор ривожланишга бўлган таъсирларини тавсифлаш;

минтақаларда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни баҳолашнинг услубий ёндашувини ишлаб чиқиш;

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалиги тармоқларини оқилона жойлаштириш ва сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришга оид илмий таклифлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

минтақалар қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига бўлган талаб прогнозларини ҳамда сувдан самарали фойдаланишни оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

Сирдарё ҳавзаси минтақаларида сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)

---

монография / Хамраев Н.Р., Джалалов С.Ч. -Т.: Мехнат, 1990. -185 с.; Ҳикматов Ф., Айтбаев Д. Ўзбекистон ер ости сувлари // Экология хабарномаси. - Т.: 2007. –№3. – Б.7-10.; Умурзоков Ў.П. Сувни баҳолаш //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. - Т.: 2005. – №10. - Б. 25-26; Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условие экономического роста.// автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. –Т.: 1996. - 44 с.; Ҳасанов Ш.Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2017. - 67 б.; Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий–амалий асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2017. - 68 б.; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2010. - 22 б.; Явмутов Д. Рациональное водопользование - фактор повышения эффективности использования орошаемых земель. // Экономика и финансы.– М.: 2008. – № 12. – С. 60 – 62.; Амиров Л.Ф. Трансчегаравий сув ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг долзарб масалалари. // Иктисодиёт ва таълим – Т.: 2017. № 2, - Б. 148-151.

<sup>5</sup> E.Giese. Water Shortage, Water Conflicts and Water Management in Dry Areas of Central Asia - Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan and Xinjiang / PRC. Bd. 7. – Frankfurt, 2004 ; Ali Umran Komuscu. Climate change, water resources management, governance and capacity bilding issues in Central Asia and Caucasus // 5 World Water Forum. – Istanbul. - 2009; Muhammad Mizanur. Central Asian waters. –Helsinki, 2008.; Данилов-Данильян В. И. Потребление воды: Аральская и подобные ей экологические катастрофы /// - М.: Экос - информ. –2008. – №7. – С. 37-40.

кўрсаткичлари асосида баҳолаш ҳамда ушбу мақсадга 2030 йилгача эришиш имкониятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистоннинг Сирдарё ҳавзасида жойлашган минтақаларида сувдан фойдаланиш соҳалари ва тармоқлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ушбу минтақаларнинг иқтисодиёти тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнидаги юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, илмий абстракция, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик, иқтисодий-математик моделлаштириш ва картографик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

худудларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан сув салоҳияти, сув билан таъминланганлиги, сув тежамкор технологияларнинг жорий қилиниши каби омилларни ўзаро интеграл тарзда ифодаловчи сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг индексли баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини тадқиқ этиш мезони сифатида сувдан оқилона (RWU) ва самарали (SDWE) фойдаланишнинг интеграл индексли рейтинг гуруҳлаш усули тавсия этилган;

истикболда озиқ-овқат базасини дарё ўзанига нисбатан кетма-кетликда шолчилик, пахтачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик зоналарини шакллантириш орқали мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш таклифи ишлаб чиқилган;

Сирдарё ҳавзаси бўйида жойлашган давлатлар (Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон) ўртасида сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш асосида Барқарор Ривожланиш Мақсадларига (БРМ) эришишга қаратилган ҳавзали модель ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолаш услубиёти доирасида тизимлаштирилган икки гуруҳдаги статистик кўрсаткичлар ва улар асосида амалга оширилган 2000-2016 йиллар оралиғидаги таҳлиллардан БРМ 6-банди 4-вазифасини амалга оширишни худудлар кесимида мониторинг қилишда фойдаланилган;

минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини баҳоловчи интеграл индекслар ҳамда ЭХМ дастури худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ҳолатини ўрганишнинг янги механизми сифатида қўлланилган;

Сирдарё ҳавзаси ўрта оқимидаги Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги экинларини дарё ўзанига нисбатан параллел шаклда жойлаштириш таклифидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда фойдаланилган;

минтақаларда сувга бўлган талаб прогнозлари ва сув тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига ЯХМнинг қўшимча ўсиши бўйича прогнозлар ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий таклифлар ҳукумат даражасида сувдан самарали фойдаланиш, минтақаларни барқарор ривожлантиришга оид ҳудудий ва инвестицион дастурларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги тузилмаларида ва олий ўқув юртларида кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида минтақаларни барқарор ривожлантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар амалиётга жорий қилинган, жумладан:

ҳудудларда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш методикаси ҳамда унинг ёрдамида тизимлаштирилган икки гуруҳдаги статистик кўрсаткичлар, 2000-2016 йиллар оралиғидаги таҳлиллардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида таҳлил воситаси сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 11 майдаги АД-5-1/10-78-сон маълумотномаси). Ушбу методикадан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг “Иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини баҳолашнинг инновацион мезонларини жорий этиш” деб номланган 81-бандини амалга ошириш учун хизмат қилган;

сувдан оқилона фойдаланишнинг интеграл индекси (*RWU*) ва сув самарадорлиги интеграл индекси (*SDWE*) ёрдамида Ўзбекистон минтақаларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини рейтинг гуруҳлаш усули Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ҳудудларни мониторинг қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 11 майдаги АД-5-1/10-78-сон маълумотномаси). Ушбу рейтинг гуруҳлаш усулидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ахволини ўрганишнинг янги

механизмларини жорий этиш” вазифасини баҳолаш ва таҳлил қилиш мезони сифатида хизмат қилмоқда;

Сирдарё вилоятининг дарё билан туташ туманларида сувталаб экин турларини, дарё ўзанидан узоқда жойлашган туманларда эса кам сувталаб экинларни жойлаштириш асосида ўзанига нисбатан кетма-кетликда пахтачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик зоналарини шакллантириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги 25-сон Қарори билан тасдиқланган “Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар” дастурининг 12-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 11 майдаги АД-5-1/10-78-сон маълумотномаси). Натижада, сув етказиб беришдаги йўқотишларнинг қисқариши, тежалган сув ҳисобига қўшимча ерлардан фойдаланиш ва янги иш ўринларини очиш имкони яратилган;

минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни “барқарор ривожланиш” ғоялари асосида йўлга қўйишга оид тавсиялар ҳамда 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳавзали моделни қўллаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Вазирликнинг 2019 йил 10 апрелдаги УБ-5-1/20-851-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябридаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳасининг 1-иловасини шакллантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 16 та, жумладан 11 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола, шулардан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг 1 та муаллифлик ва 1 та ЭҲМ дастури бўйича гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва қисқартма сўзлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган,

тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Минтақаларни барқарор ривожлантириш шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари”** деб номланган биринчи бобда минтақаларни барқарор ривожлантириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг концептуал асослари ўзаро узвийликда эканлиги ҳамда давлат минтақавий сиёсатининг бош масалаларидан бири эканлиги қайд этилган. Қатор манбаларда, жумладан, республикаимиз олимларидан М.Абдусалямов, А.С.Солиев, Т.М.Ахмедовнинг илмий ишларида ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда капитал, табиий-иқтисодий ресурс омилларини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, малакали кадрлар каби омилларни минтақани барқарор ривожлантириш концепцияси асосида тизимлаштириш зарур эканлиги илмий асосланган<sup>6</sup>. Шунингдек, А.М.Содиқов давлатнинг ҳудудий иқтисодий сиёсати мақсадларидан бири минтақадаги мавжуд табиий ресурслардан фойдаланишнинг сифати, кўлами ва оқилона йўналишларини аниқлашдир, деб таъкидлайди<sup>7</sup>.

Назаров Ш.Х. ўз асарларида минтақанинг рақобатдошлиги унда нафақат рақобат устунлигини тавсифловчи ресурсларнинг мавжудлиги, шу билан бирга ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишни ҳам акс эттиради,<sup>8</sup> деб ёзади. Демак, минтақаларни барқарор ривожлантиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдошликни ошириш ҳамда экологик мувозанат яхлитлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Маълумки, қатор тадқиқотчилар томонидан барқарор ривожланиш келажакка интилишнинг яхлит модели эканлиги назарий асослаб берилган. Унга кўра, аҳолининг ҳозирги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ иқтисодий фаолият келажак авлод имкониятларига ва атроф-муҳитга зарар етказмаслиги кераклиги қайд этилган.

Дунёнинг 193 давлати 2015 йилда БМТ доирасида «Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development» (Барқарор ривожланиш 2030 кун тартиби: дунё трансформацияси) деб номланган келишувга эришган<sup>9</sup>. Ушбу декларация 2030 йилгача барқарор ривожланишга эришишнинг 17 мақсади ҳамда унинг таркибидаги 169 вазифани акс эттиради. Бу резолюция бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистон минтақаларида барқарор ривожланишга ўтиш жараёни бошланганини билдиради. БРМнинг 6-мақсади “Барча учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув санитариясини таъминлаш” деб номланади. Ушбу мақсад ва вазифаларни Ўзбекистон минтақаларида амалга ошириш ва уни мониторинг қилиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>6</sup> Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. // Сборник статей “Современные проблемы региональной экономики”. – Т.: 2015. - С. 6-11.; Солиев А.С. Минтақавий иқтисодиёт ва унинг аҳамияти. // “Минтақавий иқтисодиётнинг замонавий муаммолари” илмий мақолалар тўплами. – Т.: 2015. - Б. 159-166.; Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. - М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова.- 2006. - С.13.

<sup>7</sup> Садиков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. - С.45


<sup>8</sup> Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. –Т.: ИПМИ, 2014. - С. 17-18.

<sup>9</sup> Декларация ООН «Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года»//URL: <http://docs.cntd.ru/document/420355765>, ( дата обращения: 25.05.2017)

Фикримизча, Сирдарё ҳавзаси минтақаларида 2030 йилгача бўлган даврда БРМга эришиш учун сувдан фойдаланишдаги ижтимоий, иқтисодий, экологик ва трансчегаравий муаммолар ҳамда ҳар бир ҳудуднинг хусусиятлари, фарқлари каби омилларни ҳавза нуктаи назаридан эътиборга олиш зарур. Масалан, ҳавзадаги Тошкент вилояти ва Мирзачўл минтақаси вилоятлари ёки Амударё ҳавзасидаги Сурхондарё ва Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси бир хил табиий-иқтисодий шароитда эмас. Демак, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда мамлакатнинг ҳудудий хусусиятлари ва ресурс имкониятларини эътиборга олиш ҳамда сувдан самарали фойдаланишни тизимли равишда йўлга қўйиш тавсия этилади.

Тадқиқот жараёнида жаҳон мамлакатларининг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда бу жараённи баҳолаш бўйича тажрибалари ўрганилди. Жумладан, АҚШда Теннесси дарёсидан оқилона фойдаланиш учун Теннесси водийси бошқаруви ташкилоти (TVA) тузилган; Европада Дунай дарёси ҳавзасида 17 давлат ўртасида “Букреш шартномаси” тузилган; Европа Иттифоқининг Сув масаласидаги йўриқномаси (Water Framework Directive (WFD)) ижобий натижалар берган. Фикримизча, бу ҳавзали моделлар тажрибасини Сирдарё ҳавзаси минтақаларида қўллаш катта самара беради.

Тадқиқот жараёнида, Ўзбекистон минтақалари кесимида сув ресурс салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилди. Фикримизча, минтақаларда сувдан самарали фойдаланишни баҳолашда бир ёки икки тармоқ кўрсаткичлари билан чекланиб қолмасдан, жараённи комплекс баҳолайдиган индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Баҳолаш алгоритмининг биринчи босқичида кўрсаткичлар аниқланади ва тизимлаштирилади. Иккинчи босқичда сув салоҳияти ва самарадорлигини тавсифловчи детерминантлар аниқланади. Учинчи босқичда тизимлаштирилган детерминантлар икки гуруҳга ажратилиб, ҳудуднинг сувдан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш даражаси баҳоланади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Минтақанинг сув салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш алгоритми<sup>10</sup>.**

Биринчи гуруҳ “кўрсаткичлари саватчаси”га ҳар бир минтақанинг сувдан фойдаланиш интенсивлиги даражаси индекси (сув стресси индекси  $I(w)^i$ ), минтақа ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сув сиғимкорлиги индекси ( $WI_{қишлоқ}^i$ ) ва ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ( $WI_{бошқа тармоқ}^i$ ) ҳамда минтақаларда бир га суғориладиган ер майдонига тўғри келадиган ўртача сув сарфи индекси ( $SW^i$ ) олинган. Бунда ҳудуднинг иқтисодий жойлашуви

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

омилларидан келиб чиқиб, индексларга вазн ( $g$ ) бериш орқали сувдан оқилона фойдаланишнинг интеграл индекси ( $RWU$ ) аниқланади:

$$RWU = WI_{қишлоқ}^i * g1 + WI_{бошқа тармоқ}^i * g2 + I(w)^i * g3 + SW^i * g4 \quad (1)$$

Иккинчи гуруҳ “кўрсаткичлари саватчаси”да минтақа майдонининг сув билан таъминланганлиги солиштирма индекси ( $P^i$ ), қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш индекси ( $WE_{қишлоқ}^i$ ), ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида сувдан самарали фойдаланиш индекси ( $WE_{бошқа тармоқ}^i$ ), вилоятда сувтежамкор технологияларни қўллаш даражаси индекси ( $WST^i$ ) жой олган. Бунда ҳам индексларга вазн ( $g$ ) бериш орқали сув самарадорлиги интеграл индекси ( $SDWE$ ) аниқланади.

$$SDWE = WE_{қишлоқ}^i * g1 + WE_{бошқа тармоқ}^i * g2 + P^i * g3 + WST^i * g4 \quad (2)$$

Бу икки интеграл индекс таркибида бир неча кўрсаткичлар жамланган бўлиб, худудларда сувдан самарали ва оқилона фойдаланишда эришилаётган ижобий ёки салбий натижалар айнан қайси кўрсаткич эвазига рўй берганини аниқлаш мумкин.


Диссертациянинг иккинчи боби “Сирдарё ҳавзаси сув ресурсларидан минтақаларда самарали фойдаланиш ҳолатини баҳолаш” деб номланган. Унда Сирдарё ҳавзаси минтақаларининг иқтисодий ривожланиши ва сувдан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати, минтақаларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сиғимкорлиги таҳлил қилинган. Таҳлилларга кўра, 2000-2017 йиллар мобайнида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (ЯХМ ўртача йиллик ўсиши 109,5%), Наманган (108,3%), Жиззах (108,2%) ва Андижон (107,5%) вилоятларида қайд этилган. Шунингдек, бу даврда республика ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати (107,0%) билан қиёслаганда нисбатан паст ўсиш кўрсаткичлари Сирдарё (105,5%), Фарғона (105,9%) ва Тошкент (106,7%) вилоятларида кузатилган. Бироқ, айрим вилоятлар мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдалана олмаётганлиги кузатилади. Масалан, Жиззах вилоятининг республиканинг жами экин майдонидаги улуши 10,5%ни ташкил этган ҳолда, мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 4,9%ни, ЯХМдаги улуши 2,3%ни ташкил этмоқда. Андижон вилоятида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 6,2% ва 10,7%, 5,7%ни ташкил этган ҳолда нисбатан юқори самарадорликни акс эттирмоқда<sup>11</sup>. Демак, иқтисодий ривожланишга эришишда мавжуд салоҳиятни объектив баҳолаш ҳамда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат сув кадастри йиллик нашрига кўра, иқтисодиёт тармоқларида ишлатилаётган сув ресурсларининг 82,7 фоизи қишлоқ хўжалигига, 4,1 фоизи коммунал хўжалигига, 1,2 фоизи саноат тармоқларига, 1 фоизи балиқчилик соҳасига, 10,5 фоизи бошқа тармоқларга тўғри келади. Иқтисодиёт тармоқларида ишлатилаётган сув ресурсларининг катта қисми ер усти сув манбаларидан олинади. Бунда Сирдарё ва Амударё

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

дарёларининг сув ресурслари салоҳияти ва уларнинг оқим ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Сирдарёнинг ўртача кўп йиллик оқими 36 млрд. м<sup>3</sup> ни, Амударёники эса 78 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Ўзбекистон иқтисодиётида ер усти манбаларидан ўртача 52 млрд. м<sup>3</sup> сув ишлатилади. Шундан 22 км<sup>3</sup> Сирдарё ҳавзасига, қолган қисми эса Амударё ҳавзаси ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, Сирдарё ҳавзасидаги 6,3 км<sup>3</sup>, Амударё ҳавзасидаги 5,1 км<sup>3</sup> сув ресурслари Ўзбекистон ҳудудида шаклланади, қолган қисми трансчегаравий дарёлардан олинади.

Сирдарё ҳавзасида Ўзбекистон минтақалари барқарор ривожланишига раҳна солаётган трансчегаравий муаммо – мавсумий сув тақсимотидир. Ҳавзанинг юқорисида жойлашган Қирғизистон ва Тожикистонда сувдан гидроэнергетика мақсадида куз-қиш мавсумида, қуйи оқимда жойлашган Ўзбекистонда эса ёз мавсумида суғориш учун фойдаланилади. Ҳавзадаги йиллик оқим ҳажмини мувофиқлаштирувчи Тўхтағул сув омбори Норин дарёсида қурилган бўлиб, унинг ҳажми 19 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Сирдарё ҳавзасининг юқори оқимидаги давлатлар қиш даврида электроэнергия олиш мақсадида сув оқимини ошириб, ёз ойларида эса сув захирасини тўплаш мақсадида сув оқимини қисқартирадilar. Бу ҳолат дарёларнинг ўрта ва қуйи қисмида, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатларидаги қишлоқ хўжалиги суғориш тизимларида вегетация даврида сув тақчиллигини келтириб чиқармоқда. Масалан, 1993-2009 йиллар оралиғида ёзги сув оқими ҳажми йиллик оқим ҳажмининг 45% игача қисқарган ҳолда, қишки оқим миқдори 55% гача кўтарилган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Тўхтағул сув омборидан 1980-2017 йилларда сув қўйиб юборилиши динамикаси (йилига млрд. м<sup>3</sup>)<sup>12</sup>.**

Бу ҳолат ҳавзадаги минтақаларнинг барқарор ривожланишга эришишига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб қолмоқда.

Сирдарё ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш, экологик назорат қилиш, ҳар йилги вегетация даври натижаларини таҳлил этиш мақсадида 1992 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида

<sup>12</sup> Давлатлараро Сув хўжалиги Координацион комиссиясининг илмий ахборот маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

имзоланган “Давлатлараро сув манбаларининг сув ресурсларини ишлатиш ва ҳимоя қилишни биргаликда бошқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида” битим тузилган ва сувни мувофиқлаштирувчи Давлатлараро Сув хўжалиги Координацион комиссияси (ДСХКК ташкилоти) тузилган. Бироқ ундаги айрим механизмлар самарали фаолият кўрсатмаяпти. Масалан, тадқиқот жараёнида баъзи халқаро конвенцияларни ҳавзанинг қуйи оқимидаги давлатлар парламентлари ратификация қилганлиги, бироқ юқори оқимдаги давлатлар томонидан ратификация қилинмаганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолат ишлаб чиқариш кучларини қўшимча жойлаштиришда мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.

Республика ҳудудларида 2017 йилда ҳар 1000 сўмлик ЯХМга сарфланаётган сув миқдори орқали сиғимкорлик баҳоланди. Унинг натижаларига кўра минтақалар қуйидаги уч гуруҳга ажратилди:

1. Сув сиғимкорлиги юқори бўлган минтақалар гуруҳи: ҳар 1000 сўмлик ЯХМнинг сув сиғимкорлиги  $10 \text{ м}^3$  дан юқори бўлган гуруҳга Қорақалпоғистон Республикаси ( $21,7 \text{ м}^3$ ), Сирдарё ( $19,4 \text{ м}^3$ ), Навоий ( $13,4 \text{ м}^3$ ) ва Жиззах ( $12,3 \text{ м}^3$ ) вилоятлари киритилди.

2. Сув сиғимкорлиги ўртача бўлган минтақалар гуруҳи: ҳар 1000 сўмлик ЯХМнинг сув сиғимкорлиги  $5 \text{ м}^3$  дан  $10 \text{ м}^3$  гача бўлган гуруҳга Қашқадарё ( $10,3 \text{ м}^3$ ), Бухоро ( $7,7 \text{ м}^3$ ), Хоразм ( $7,4 \text{ м}^3$ ), ва Сурхондарё ( $7,2 \text{ м}^3$ ) вилоятлари киритилди.

3. Сув сиғимкорлиги кичик бўлган минтақалар гуруҳи: ҳар 1000 сўмлик ЯХМнинг сув сиғимкорлиги  $5 \text{ м}^3$  гача бўлган вилоятлар гуруҳидан эса Тошкент ( $1,8 \text{ м}^3$ ), Андижон ( $3,4 \text{ м}^3$ ), Самарқанд ( $3,9 \text{ м}^3$ ) Наманган ( $3,9 \text{ м}^3$ ) ва Фарғона вилоятлари ( $4,4 \text{ м}^3$ ) жой олган ҳолда ижобий ҳолатни акс эттирмоқда.

Минтақаларда сувдан оқилона фойдаланганлик интеграл индекси (RWU) ҳисоб-китоби натижаларига кўра, сувдан оқилона фойдаланиш даражаси нисбатан юқори гуруҳдан Сирдарё ҳавзасидаги Андижон (0,893), Тошкент (0,836) вилоятлари жой олган. Сувдан оқилона фойдаланиш даражаси нисбатан ўртача бўлган гуруҳдан Наманган (0,734), Фарғона (0,707), Жиззах (0,689) вилоятлари ўрин олган. Сирдарё вилояти 0,562 кўрсаткич билан сувдан оқилона фойдаланиш даражаси нисбатан паст ҳудуд ҳисобланади. Минтақаларда сув самарадорлиги интеграл индекси (SDWE) бўйича рейтинг гуруҳлаш натижаларига кўра, Андижон (0,871) ва Тошкент (0,763) вилоятлари сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан юқори бўлган гуруҳдан жой олган. Бироқ буларда қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларидаги сув самарадорлиги ҳамда сувтежамкор технологиялар қўлланилганлиги даражаси юқори эмас. Аксинча, Жиззах вилояти (0,590) сув тежамкор технологиялар қўлланилганлиги даражаси бўйича республикада етакчи бўлишидан қарамасдан, қолган 3 та кўрсаткич қониқарли эмаслиги сабабли 2-гуруҳдан жой олган. Фарғона вилоятида (0,553) ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлиги юқори бўлса-да, бироқ бошқа кўрсаткичлари қониқарсиз. Сирдарё (0,418) вилоятида қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик ва сув тежамкор технологияларни қўллаш кўрсаткичлари энг кичиклиги ҳисобига сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст бўлган гуруҳдан жой олган (1-жадвалга қarang).

Сув самарадорлиги даражасининг 2000-2017 йиллардаги тахлилига кўра, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу индекснинг пасайганлиги сабаби сувтежамкор чора-тадбирларни қўллашнинг қониқарли эмаслиги билан боғлиқ.

Айни пайтда Фарғона, Навоий, Наманган вилоятларида бошқа худудларга нисбатан барқарор давомийлик кузатилмоқда. Сувдан самарали фойдаланиш бевосита сувтежамкор технологияларни жорий этиш, кам сув сарфлаб кўп маҳсулот олиш чора-тадбирларини қўллаш билан боғлиқдир.

#### 1-жадвал.

### Ўзбекистон минтақаларида сувдан фойдаланиш самарадорлиги индекси (SDWE) бўйича рейтинг гуруҳлаш (2017 й.)<sup>13</sup>

Минтақалар номи	WE қишлоқ хўжалиги	WE саноат ва хизмат кўрсатиш	(P <sup>i</sup> ) индекс ўрт. 1 км <sup>2</sup> майдонининг сув билан таъминланганлиги	(WST <sup>i</sup> ) индекс СТТ қўллаш даражаси	Интеграл индекс (SDWE)
Ўзбекистон бўйича	0,410	0,595	0,117	0,460	0,387
I гуруҳ – Сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан юқори					
Андижон	1,000	0,181	0,871	0,360	0,871
Тошкент	0,794	0,422	0,425	0,163	0,710
II гуруҳ – Сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан ўртача					
Самарқанд	0,667	0,239	0,293	0,257	0,598
Жиззах	0,428	0,172	0,127	1,000	0,590
Бухоро	0,549	0,898	0,101	0,289	0,539
Фарғона	0,427	0,005	1,000	0,397	0,553
Наманган	0,588	0,122	0,541	0,455	0,510
Навоий	0,750	0,163	0,001	0,738	0,503
III гуруҳ – Сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст					
Хоразм	0,274	1,000	0,821	0,080	0,427
Сирдарё	0,259	0,090	0,837	0,380	0,418
Сурхондарё	0,457	0,449	0,230	0,279	0,418
Қашқадарё	0,289	0,292	0,228	0,362	0,304
Қорақалпоғистон Республикаси	0,001	0,538	0,025	0,001	0,195

Тадқиқот жараёнида БМТнинг БРМ<sup>14</sup> 6-мақсад 5 вазифаси ва 11 та кўрсаткичи бўйича тахлил қилинди. Жумладан 6.1-вазифада 2030 йилга келиб барча аҳоли қатламларини хавфсиз, тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш деб белгиланган. Бу бўйича амалга оширилган тахлилларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг марказлашган сув таъминоти 1990 йилда 70%, 2010 йилда 82% бўлган. Республика бўйича 31% аҳоли марказлашган сув узатиш тизими билан таъминланмаган, шундан 16,3 фоизи санитария меъёрларига мутлақо жавоб бермайдиган манбалардан сув истеъмол қилади.

БРМнинг 6.3-вазифаси баҳолаш учун 3.1. “ташлама ва оқова сувларнинг ҳажми ҳамда улардан тозалаб хавфсиз ҳолга келтирилган қисми” (фоизда), ҳамда 6.3.2. “Экологик талаб даражасидаги сув ҳавзаларининг улуши” кўрсаткичлари тавсия қилинган. Маълумотларга кўра, Сирдарё ва Чирчиқ

<sup>13</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

<sup>14</sup> Цели устойчивого развития на период до 2030 года.//URL: <http://www.un.org/rus/pages/display/sdgs> (дата обращения: 25.05.2017)

ҳавзалари қуйи оқимида юқори оқимга нисбатан асосий ифлослантирувчи моддаларнинг меъёрдаги 2,1 баробаридан 5,5 бараваргача ортганлиги аниқланди. Дарё ҳавзаларининг қуйи оқимига қараб борган сари сув таркибида моддаларнинг ифлослашув даражаси меъёрдан ортиб кетиши сув истеъмолчилари саломатлигига ҳамда сувдан фойдаланувчилар олаётган маҳсулот сифатига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда экологик талаб даражасидаги сув манбалари асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги булоқлар, кўллар каби ҳажми катта бўлмаган сув объектларида жойлашган бўлиб, уларнинг жами сув ҳавзаларидаги улуши кўпи билан 30 % ни ташкил этиши мумкин. БРМ 6-мақсадининг 4-вазифаси бўйича сув самарадорлиги ва сув стресси таҳлиллари амалга оширилган ва айнан мана шу бандни доимий мониторинг қилиш учун, минтақаларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини баҳоловчи ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган. Масалан, минтақаларда сув стресси кўрсаткичи бўйича таҳлилларга кўра, Амударё ҳавзасида жойлашган Қашқадарё (96,5%), Самарқанд (103,4%), Сурхондарё (112,9%) ва Навоий (134,4%) вилоятларида кучли сув стресси кузатилмоқда. Сирдарё ҳавзасида эса Тошкент (39,9%), Фарғона (41,3%) ва Жиззах (63,4%) вилоятларида атроф-муҳитга нисбатан сув юкламаси ортиб бориши инвестицияларни жалб қилишга таъсир кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида БРМнинг 6.5-вазифаси 2030 йилгача трансчегаравий ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда барча жабҳаларда сув ресурсларидан фойдаланишнинг комплекс бошқарувини таъминлашга эришиш ҳамда 6.6-вазифаси 2020 йилгача антропоген таъсир остида қолган тоғ ва тоғолди ландшафтларни, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ботқоқлик ўсимликларини қайта тиклаш ҳамда барча табиат унсурларини ҳимоя қилишга эришиш масалалари ўрганилиб, тегишли хулосалар олинди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Сирдарё ҳавзасида сувдан самарали фойдаланиш асосида ҳудудларни барқарор ривожлантириш йўналишлари”** деб номланган. Унда минтақалар қишлоқ хўжалигини оқилона жойлаштириш, сув ресурсларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида “...Шаҳар атрофида саноат зоналари, шаҳар ичида эса инновацион ҳудуд бўлиши керак”<sup>15</sup>, - дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни ресурс манбаларига яқин, аҳоли пунктларига эса ресурс тежамкор ва экологик зарар етказмайдиган соҳаларни жойлаштириш оқилона йўлдир. Сирдарё ҳавзасининг юқори оқимида жойлашган Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ишлаб чиқариш кучларининг кам сувталаб, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган соҳаларига ихтисослашуви мақсадга мувофиқ. Келажак учун озик-овқат базасини сақлаш ва етказиш мақсадида сувталаб экин турларини дарё ўзанига яқин, дарё ўзанидан узоқлашган сари кам сув талаб экинларни жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди.

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.// Халқ сўзи, 2018 йил 22 декабрь, №265. – Б.1

Қуйидаги жадвалдаги таҳлилларга кўра, Сирдарё ўзанидан то Мирзачўлнинг ичкарасига кетган ҳудудни шартли равишда 3 та зонага бўлиб ўрганилди. Бунда туманлар кесимида барча сувталаб экинларнинг жами экин майдонидаги улуши, уларни ҳосилдорлиги (пахта мисолида), жами олинган сув ҳажмидаги улуши, ўртача 1 м<sup>3</sup> сувни етказиб бериш харажатлари, тупроқ бонитети кўрсаткичлари кам сувталаб экинларни айнан шу кўрсаткичлари билан солиштириб кўрилди. Натижада экинларга ихтисослашувни Сирдарё ўзанига нисбатан “параллел” шаклда жойлаштирилиб борилиши шолчилик, пахтачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик каби зоналарни шакллантириш юқори самара бериши ҳамда сув етказиб беришдаги йўқотишлар 12% га қисқаришига олиб келиши аниқланди (2-жадвалга қаранг).

## 2 - жадвал.

### Сирдарё ва Жиззах вилоятлари туманлари кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини зоналаштириш<sup>16</sup>

	Шаҳар ва туманлар номи	Жами экин майдони минг га.	Шу жумладан: (%)				ўртача 1 м <sup>3</sup> сувни етказиб бериш харажатлари (сум/м <sup>3</sup> )*	Сув талаб экин ҳосилдорлиги, ц/га (пахта мисолида)*	Тупроқ бонитети*
			сув талаб экинларнинг жами экин майдони даги улуши	сув талаб экинларнинг олинган сув ҳажмидаги улуши	камсув талаб экинларнинг жами экин майдони даги улуши	кам сув талаб экинларнинг ялпи сув ҳажмидаги улуши			
1-зона	Боёвут	33,3	50,2	50,6	49,8	49,4	32	24,9	54,5
	Гулистон	23,1	48,5	49,8	51,5	50,2	33	23,8	54
	Сайхунобод	32,1	44,7	49,4	55,3	50,6	35	23,5	56
	Сирдарё	26,0	43,8	50,8	56,2	49,2	36	30,8	61
2-зона	Янгиер ш.	0,25	12,0	24,0	88,0	76,0	-	-	-
	Мирзаобод	21,6	43,5	52,3	56,4	47,7	42	13,5	45
	Ховос	25,8	38,0	48,3	62,0	51,7	42	15,5	47
3-зона	Оқолтин	24,6	52,8	58,0	47,2	42,0	43	20,4	54
	Сардоба	35,5	52,1	57,9	47,9	42,1	43	13,5	49
	Арнасой	31,5	50,9	53,2	49,1	46,8	44	13,8	44
	Дўстлик	33,3	58,2	64,1	41,8	35,9	44	21,2	51
	Зарбдор	50,1	44,3	53,0	55,7	47,0	45	14,8	47
	Мирзачўл	30,8	49,9	53,1	50,1	46,9	44	19,8	45
	Пахтакор	27,1	50,5	56,6	49,5	43,5	45	21,6	52

\* пахта ҳосилдорлиги, сувнинг таннархи ва тупроқ бонитети кўрсаткичлари сўнгги 5 йиллик таҳлил қилиниб ўртачаси олинган.

